# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «21» 6 | 2022-282-11-154-ХТ-сон | Бувайда тумани.

“ Шинам мебел 2022” мчж_(кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) рахбар Н.Солиев биринчи томон ва иккинчи томон - Узбекистон Республикаси Конунчилиги хамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Бувайда тумани Халк таълими номидан рахбар А.Абдулфаттохов (келгусида "Харидор" деб аталади) урталарида куйидаги максадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети.**

1.1. «Сотувчи» «Харидор»га куйидаги махсулотларни етказиб беради: Мебел жихозлари ККСсиз

1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати 99016000 **( Тўксон тўккиз миллон ўн олти минг ) сумни ташкил килади.**

**1.3. Махсулотлар куйидаги ассортиментда етказиб берилади:**

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Парта юкори** | **ком** | **84** | **849000** | **71316000** |
| 2. | **Стол стул мажлислар залига** | **ком** | **2** | **9000000** | **18000000** |
| 3. | **Офис мебел комплект** | **ком** | **1** | **9700000** | **9700000** |
| | **Ж а м и :** | | | | **99016000** |

**2. Хисоб-китоб шартлари.**

2.1. Олинган махсулотлари учун келишилган нархда хисоб-китоб килинади.

2.2. «Сотувчи» махсулотни етказиб бергандан сунг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган махсулот киймати учун «Харидор» пул утказиш йули билан туловни амалга оширади. "Харидор" олдиндан 30% аванс туловини амалга оширади, хамда хисоб-китоб 60-кун ичида амалга оширилади.

2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган холда белгиланади. Бунда уша кунга худуддаги уртача бозор нархлари, консалтинг фирмалар хулосалари, бозор худуддаги нархлар асос килиб олинади. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, Ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан копланади.

**3. Махсулот етказиб бериш.**

3.1. «Сотувчи» шартномада белгиланган махсотларни иловадаги таксимотномага асосан бюджет муассасаларининг манзилгохларига белгиланган муддатларда етказиб беради.

**4. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.**

4.1. «Сотувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок мухр босилган ишонч когози курсатгандан сунг махсулот беради.

4.2. «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдикловчи хужжат хамда махсулотдан намуна такдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб беришга кафолат беради.

4.3. «Сотувчи» хужжатлар тугри расмийлаштирилишини уз зиммасига олади хамда махсулотларни сектор кошида белгиланган таркибдаги тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эхтиёж таксимотига асосан харидор манзилгохига етказиб беради.

4.4. «Харидор» шартномада курсатилган махсулотни сифати талабга жавоб берган холатдагина уни кабул килиб олади.

Харидор» кабул килиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиклигини аниклаган холда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, хамда сифатсиз деб топилган махсулотни "Сотувчи"га кайтариб беради.

4.6. «Сотувчи» «Харидор»га унинг ишонч когозида кайд килинган махсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч когозида курсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда, бу махсулотлар учун "Харидор" томонидан хак туланмайди.

4.7. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса, бу махсулотлар «Сотувчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак туланмайди.

4.8. «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича тулов амалга оширилмайди.

**5. Жарималар кулланилиши.**



Сканировано с CamScanner

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: CQ66782516

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган махсулот-ларни етказиб келган холда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 20%дан ошмаган холда жарима куллаб конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддати утган махсулотларни умумий кийматини 0,5% хар бир муддати утган куни учун «Харидор»га пеня тулайди. Бундан пенянинг микдори етказиб берилмаган махсулот кийматидан 50% ошмасин.
5.3. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. Шартнома муддати.

6.1. Шартнома хар иккала томон имзолагандан сунг кучга киради.
6.2. Шартномадаги белгиланган махсулотларни етказиб бериш муддати шартнома тузилган ойнинг охирги санасигача.
6.3 Шартномадаги белгиланган махсулотларни етказиб берилгандан сунг етказиб берилган махсулотларнинг туловини амалга ошириш муддати 2022 йил «31» декабргача.
6.4. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва « Сотувчи » томонидан мазкур шарнтноманинг 4.1; 4.2; 4.3-бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килиши мумкин. Бекор килинганлиги тугрисида "Харидор" " Сотувчи"га ёзма равишда асосларни келтирган холда хат билан маълум килади.

## 7. Форс-мажор холатлари.

7.1. Шартнома буйича тарафлар уртасида пайдо буладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар уртасида музокара йули билан, хал килиб булмаса иктисодий суди оркали хал этилади.
7.2. Табиий офатлар, уруш ва оммавий тартибсизликлар сабабли шартнома шартлари бажарилмаса томонлар мулкий жавобгарликдан озод этилади.

## 8. Кушимча шартлар.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар узаро хал килинади. Узаро хал килинмаган такдирда Узбекистон Республикаси конунларига асосан Иқтисодий судлари оркали хал килинади.
8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб, томонларда бир нусхадан сакланади.
8.3. Шартномага барча узгартиришлар иккала томон келишилган ва шартномага кушимча битим имзоланган холда газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан кейин конуний деб хисобланади.

**«ПУДРАТЧИ»**

**"Шинам мебел 2022 "мчж**

*Адрес: Бувайда тумани*

*Тел.: 996099667*

*Факс 993099667*

*ИНН 308327829*

*Р/С: 20208000905365348001*

Банк Миллийбанк

**МФО: 00493**

Рахбар__________________ Н.Солиев
му

SHINAM MEBEL 2022
O'ZBEKISTON FARG'ONA VIL. BUVAYDA TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

**«ХАРИДОР»**

**Бувайда тумани Халк таълими булими**

**(бюджетдан маблаг олувчининг номи)**

**Манзил: Коратепа кишлоги**

______________________________________

**Тел/факс**______________________________

**ш/х: 100022860302127092100075062**

**бюджетдан маблаг**

**олувчининг СТИР:200162514**

**ОКОНХ: 92300**

**Газначилик булинмаси номи**

**Молия вазирлиги Газначилик булинмаси**

**Газна х/в:23402000**

**Банк номи:Тошке... банки**

**МФО: 00014**

**Газначилик булин... 919**

**Рахбар: А.Аб...**

**(имзо)**

______________________________________**(Имзо)**

**М.У.**

Сканировано с CamScanner

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi:

**Xo'jalik munosabatlari**

2. Loyihaning nomi va ma'zmuni:

**Buvayda tumani Xalq ta'limi bo'limiga qarashli umum-ta'lim maktablariga smeta xujjatlariga asosan mebel jixozlarini yetkazib berish bo'yicha tuzilgan Oldi sotdi shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Buvayda tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilib 2022 yil 21-iyun kuni tizimga kiritilgan.**

4. Mas'ul ijrochi

Buvayda tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022 yilning 21-iyun kuni Buvayda tuman XTB tomonidan Buvayda tumani XTBga qarashli umum-ta'lim maktabilariga mebel jixozlarini yetkazib berish to'g'risida "Shinam Mebel 2022" MChJ bilan tuzilgan mebel jixozlarni yetkazib berish to'g'risida tuzilgan 99.016.000 (to'qson to'qqiz million o'n olti ming) so'mlik Oldi-sotdi shartnoma loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

**Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:**

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379 moddasiga ko'ra, Agar shartnomaning mazmunidan boshqacha tartib anglashilmasa, u kimoshdi savdosini o'tkazish yo'li bilan tuzilishi mumkin. Shartnoma kimoshdi savdosida g'olib chiqqan shaxs bilan tuziladi. Shuningdek, kimoshdi savdosida g'olib chiqqan shaxs va kimoshdi savdosining tashkilotchisi auksion yoki tanlov o'tkazilgan kuni kimoshdi savdosining natijalari to'g'risida bayonnoma imzolaydilar, ushbu bayonnoma shartnoma tuzish uchun asos bo'ladi. 2022- yilda Buvayda tumani XTB qarashli umum-ta'lim maktablariga mebel maxsulotlarni yetkazib berish uchun smeta ekspertiza xulosasiga asosan O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonunini hamda "Xarid qilish va

Сканировано с CamScanner

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: NH0356645435

tartib taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizom ijrosini ta'minlash maqsadida Respublika tovar xom ashyo birjasining xarid.uz saytidagi Halq ta'limi bo'limining shaxsiy kabineti orqali 102127-sonli LOT raqami bilan 2022 yil 8-iyun kuni e'longa joylashtirilgan va 2022 yil 16-iyun kuni g'olib aniqlangan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining **"Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida" gi 3016 - son buyrug'i bilan tasdiqlangan nizomning 117-bandiga binoan,** tanlov natijalari bo'yicha shartnoma tanlov hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlov ishtirokchisi tomonidan berilgan taklifda ko'rsatilgan shartlar asosida g'olib aniqlangan vaqtdan e'tiboran **o'n kundan kechiktirilmagan muddatda shartnoma tuzilishi belgilangan.**

Buvayda tumani Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish markaziga «E-HUQUQSHUNOS» elektron tizimi orqali Buvayda tumani xalq ta'lim bo'limi tomonidan Buvayda tumani XTBga qarashli umum-ta'lim maktablariga mebel jixozlarini yetkazib berish to'g'risidagi Oldi-sotdi shartnoma loyihasi joriy yilning 21-iyun kuni kelib tushgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining **"Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida" gi 3016 - son buyrug'i bilan tasdiqlangan nizomning talablariga** muvofiq. Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

**XULOSA QILAMAN:**

**Buvayda** tumani XTBga qarashli umum-ta'lim maktablariga mebel jixozlarini yetkazib berish to'g'risidagi Oldi-sotdi shartnoma loyixasi O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risidagi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy Agentligining "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 3016-son buyrug'i bilan tasdiqlangan Nizomning talablariga muvofiq ishlab chiqilganligi sababli uni qabul qilish va ishlab chiqish maqsadga muvofiq deb topilsin.

**2022-yil 21-iyun**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**
**Bosh yuriskonsulti** **O.Xudoynazarov**

Сканировано с CamScanner